

Бойлик ва фақирликнинг таърифи (38-тавсия)



16:31 / 26.09.2017 9720

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Эй Абу Зарр, молнинг кўплигини бойлик деб ўйлайсанми?» дедилар. «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. У зот: «Молнинг камлигини камбағаллик деб ўйлайсанми?» дедилар. «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. У зот шундай дедилар: «Ҳақиқий бойлик қалбнинг бойлигидир, ҳақиқий камбағаллик эса қалбнинг камбағаллигидир. Кимнинг қалби бой бўлса, дунёда дуч келган нарсаси (қийинчиликлари) унга зарар қилмайди. Кимнинг қалби камбағал бўлса, дунёни қанча кўп тўпласин, фойда бермайди. Зиқналиги унга зарар етказди, холос».

Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ҳақиқий бойлик мол-дунёнинг кўплигида эмас, балки қалбнинг бой бўлиши, нафснинг Аллоҳ берган ризққа қаноат қилишидадир.
2. Ҳақиқий фақирлик мол-дунёнинг озлигида эмас. Қалбни фақирлиги Аллоҳ берган ризққа қаноат қилмасликдадир.
3. Қалби бой одам дунёнинг машаққатларига, етишмовчиликларига парво қилмайди, чунки у Аллоҳ ажратган ризққа қаноат қилади, шунга рози бўлади, ризқни берувчи ҳам, уни тортиб қўювчи ҳам Раззоқнинг Ўзи эканига қаттиқ ишонади.
4. Қалби фақир кимса эса Қоруннинг хазиналари берилса ҳам қаноат қилмайди, ҳаётдан нолийди, норози бўлади, боридан ҳам кўпроғини хоҳлайди, чунки у бу бойликларга ўз меҳнатим билан эришдим деган фикрга бориб қолади, Аллоҳ асрасин. Бундай одамнинг зикналиги бошига етади.

Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф тайёрлади